

## Навоий ижодига фолклорнинг таъсири

Кумуш Абдусаломова

“Ўзкимёсаноат” АЖнинг давлат тилини ривожлантириш  
бўйича бош мутахассиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7194446>

Бунда Навоийнинг тарихий асарларга фольклоршунослик манбаи сифатида қараганлигини далиллаган илмий нуқтаи назари ўзбек фольклоршунослиги тарихини яратишда муҳим дастур саналиши мумкин. Навоийнинг ўзи ёзган “Тарихи мулки Ажам” асари ҳам шу тахлитдадир. Бинобарин, тарих китоблари айна чоғда фольклор манбаи ҳамдир”. Чиндан ҳам, Навоий тарих афсоналар, ривоятлар, асотирлар, қиссаю дostonлар ҳосиласи деб қаради. Ўзигача ва ўз даврида яратилган тарихий асарларда халқ ижодиётига мансуб шу жанрларга оид намуналарни кўрди, ўқиди, қайд этди, ижодий ўрганди ва ўзлаштирди. Энг муҳими, шу асосда тарихий асарларнинг фольклоршунослик манбаи бўла олишини, бинобарин, ўзбек фольклоршунослиги шу тарихий илдизда изчил шаклланиш жараёнини кечганлигини ўз вақтидаёқ пайқаган ва унга диққатни қарата олган эди. Шу мантиқдан келиб чиқиб, туркий тилдаги тарихий ва тарихий-мемуар асарлар ўрганилса, Навоий илмий хулосасининг тўғрилиги ва бунинг фольклоршунослик тарихини тиклашда нечоғлик илмий қимматга моликлиги янада равшанлашади. Чиндан ҳам, Алишер Навоий фольклоршунос олим сифатида фавқулodда теран назар соҳиб эди. У замонасидаги халқ ижодиётида кечаётган жараёнларни синчковлик билан кузата билганидан уларга хос хусусиятлари хассослик билан баён этди, ҳар бир фольклор ҳодисасининг халқона атамаларини илм учун сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

“Маҳбуб ул-қулуб”даги ҳар бир танбех, байт ёки қитъа ҳаётий ҳикмат даражасига кўтарилган. Бу танбехлар замирига халқнинг кўп асрлик ҳаёт тажрибаси давомида тўплаган мақол ва маталларининг мазмуни сингдирилган. Асарда келтирилган танбехнинг мазмуни ҳам халқ орасида минг йиллардан бери яшаб келаётган қуйидаги мақоллар билан муштараклик касб этади:

- 1) “Беайб Парвардигор”;
- 2) “Айбини билган авлиё”;
- 3) “Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир”;
- 4) “Ҳар тўқисда бир айб”;
- 5) “Адашганнинг айби йўқ, сўраб йўлини топса, очилганнинг айби йўқ, билиб этагин ёпса”.

Бу ҳикматлар инсонга ҳаётда ўрнини топишда, ҳаётий жумбоқлар ва муаммолар қаршисида ўзини йўқотмасликка ўргатади. Ҳикматли сўзлар, мақоллар донишманд аждодларимизнинг инсон ахлоқини тузатишга қарата айтилган. Ижтимоий муносабатлар инсонлар феъл-атвори ҳақидаги қарашлар барча замонларда ҳам оқил зотларнинг диққат марказида турган. Арасту, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Ҳусайн Воиз Кошифий каби алломаларнинг асарларида одам боласига хос бўлган яхши-ёмон хусусиятлар, уларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида қимматли фикр мулоҳазалар билдирилган.

Ахлоқий тафаккур тараққиётида муносиб ўрин тутган Форобий: “Фозил шаҳар аҳолисининг фикр-қарашлари” номли асарида “Ўзида ўн икки туғма фазилатни бирлаштирган инсонгина ахлоқли бўлади”, - дейди ва уларни бирма-бир санаб кўрсатади. Унинг фикрича, яхшилиқни қўлга киритиш ҳар бир инсоннинг донолигига, ақллилик даражасига боғлиқдир. Форобий иймон-эътиқодли, виждонли, ғурурли, олижаноб, илм-маърифатга интилувчи, адолатпарвар ҳақиқатгўй, оқил, ҳаёли, вафоли бўлган кишиларни ахлоқли деб тушунади. Аслида бу тушунчаларнинг барчаси бири-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Алишер Навоий танбеҳлари таъсирчанлигини оширган воситалардан яна бири бу – уларнинг “Қуръон” ҳикматларидан озиқланганлигидир. Адиб инсонга яхши-ёмон аъмонларидан келадиган оқибатлар ҳақида ўғит берар экан, ўнгарилмас гумроҳликлари билан олам интизомига зарар етказувчи кимсаларнинг шайтони лаинга қиёслайди, зинҳор-базинҳор шайтонсифатлар хайлига яқин бўлмасликни уқтиради:

“Одам била шайтон мухолафатин унутма, ота душманинг ўзингга дўст тутма. Отангни беҳиштдек маъманидин жало қилди ва йиллар хокдон ғаробатида залил ва мубтало қилди” .

Одамзотнинг асосий душмани – шайтон. Бу душманлик Одам Ато замонидан то ҳанузгача унинг авлодларига мерос бўлиб қолган. Адиб Одами сафиуллоҳ ривоятига диққатни жалб қилиб, одам зотидаги барча ёмон иллатлар иблис васвасаси оқибатида содир бўлишини уқтиради. Шайтоннинг шарри туфайли Одам Атонинг жаннат маъволаридан ғариблик тупроғига мубтало қилинганини эслатади.